



## УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a40](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a40)

**Эрназаров Гулам Бекбаевич**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти катта  
ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари номзоди (PhD)

**Аннотация:** Мазкур илмий мақолада, рақамли иқтисодиёт шароитида уй-жой коммунал ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш орқали, мазкур соҳанинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** уй-жой коммунал хўжалиги, турар-жой, аҳоли турмуш шароити, намунавий уйлар, кўп қаватли уйлар, муниципал сектор, халқаро тажриба, шериклик механизмлари, шериклик модели, комплекс статистик баҳолаш, истиқболли статистик прогнозлаш.

## ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА (НА ПРИМЕРЕ Г.ТАШКЕНТА)

**Эрназаров Гулам Бекбаевич** –  
Государственное управление статистики Республики  
Узбекистан Старший преподаватель Института  
повышения квалификации и статистических исследований,  
кандидат экономических наук (PhD)

**Аннотация:** В данной научной статье разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на повышение эффективности отрасли за счет экономико-статистического анализа развития жилищно-коммунального хозяйства в условиях цифровой экономики.

**Ключевые слова:** жилищно-коммунальное хозяйство, жилищные условия населения, типовые дома, многоэтажные дома, коммунальный сектор, мировой опыт, механизмы партнерства, модель партнерства, комплексная статистическая оценка, перспективное статистическое прогнозирование.

## ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF THE DEVELOPMENT OF HOUSING AND COMMUNAL SERVICES (ON THE EXAMPLE OF TASHKENT)

**Ernazarov Gulam Bekbaevich** –  
State Statistics Office of the Republic of Uzbekistan  
Senior lecturer of the Institute for professional development  
and statistical research, candidate of Economic Sciences (PhD)

**Abstract:** This scientific article has developed scientific proposals and recommendations aimed at improving the efficiency of the industry through an economic and statistical analysis of the development of housing and communal services in the digital economy.

**Key words:** housing and communal services, housing, living conditions of the population, standard houses, multi-storey buildings, public sector, world experience, partnership mechanisms, partnership model, comprehensive statistical assessment, prospective statistical forecasting.

**Кириш.** Уй-жой коммунал хўжалиги, унинг бутун фаолияти инсон эҳтиёжларини қондиришга, унинг барча қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган. У аҳоли турмуш даражасининг изчил яхшиланишини, моддий фаровонлиги ва маданий савияси ошишини таъминлаган ҳолда миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида меҳнат унумдорлиги ортишига кўмаклашади.

Аҳолининг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир. Бунда уй-жой коммунал соҳаси-

нинг самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг янги механизмларини жорий этиш фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўтган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар соҳани тараққий топтиришнинг ҳуқуқий асоси бўляпти. Бироқ шиддат билан ўтиб бораётган давр уй-жой коммунал соҳасини янада - такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, «...Ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади. Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уйжойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу — олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уйжой қурилди, деганидир. Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этамиз. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади ...» [5].

#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамиятини хорижий олимлардан Д.Дамжанович, Н.Фуссел, К.Бересфорд, Р.Мелланбий ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари Н.С.Егорова [13], Ю.П.Алексеев [14], А.И.Кочерги [15], шунингдек: мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А.Э.Ишмухамедов, Б.З.Каланов, М.З.Каланова, А.Б.Хайитов ва бошқалар томонидан ўрганиб чиқилган.

Павел Красилников, Мариа Конюшкова, Ronald Vargas лар муаллифлигида Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озик-овқат хавфсизлиги номли маълумотлар асарида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича муаллифлар томонидан хар бир мамлакатлар бўйича чуқур таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, тежамкор усуллардан фойдаланган ҳолда сувдан фойдаланиш бўйича таклифлар бериб ўтилган [16].

М.У. Мирзаев, Д.А. Абдуғаниеваларнинг “Сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг самарадорлиги” номли асарида “Сув ресурслардан самарли фойдаланишда тежамкор технологияларни кўллаш орқали

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имкониятлари таҳлил қилинган. Томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғоришни лалми ерларда жорий этиш орқали интенсив боғлар ва чорвачиликни ташкил этиш, озуқа базасини яратиш лозим. Бу аҳолини озик-овқатга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилади” дея таъкидлаган [17].

Т.Х. Фарманов, Ф.М. Юсуповаларнинг “уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш” номли асарида аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, соҳада хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан [18].

Ш. Юлдошеванинг “Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда уй-жой сиёсатининг аҳамияти” номли асарида “Уй-жой коммунал хўжалиги тизими аҳоли турар жойлари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, ноишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар, ҳудудлар ва узатувчи магистралларга хизмат кўрсатувчи, фойдаланишни ташкил этувчи, қурилиш-таъмирлаш, транспорт, энергия ишлаб чиқарувчи ва бошқа турли товар ва хизматларни амалга оширувчи корхоналардан ташкил топган, кенг қамровли фаолиятининг пировард натижаси инсон ҳаёт фаолиятини ташкил этувчи, шаҳар инфратузилмасини ривожлантирувчи ва экологик муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи соҳа ҳисобланади” деб айтиб ўтган [19].

Ш.Туробов, Р.Рашидовларнинг “Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари” номли монографиясида “уй хўжаликларида томорқадан фойдаланиш натижасида аҳолини иш билан таъминлаш ва коммунал хизматлардан фойдаланишда эҳтиёжларни иқтисодий таҳлилини амалга ошириш лозим” лиги таъкидланган [20].

Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ қилишда хизмат кўрсатиш соҳасини ўрнини ўрганишда ва унинг эконометрик моделларини тузиш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, Х.А.Шодиев, Б.А.Бегалов, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, Н.М.Соатов, Ҳ.Ғ.Набиев, А.А. Набихўжаев, Р.Х.Алимов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Республика-мизда уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб

чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тошкент шаҳри уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишини статистик баҳолаш ҳудудлар уй-жой коммунал хўжалигининг республика уй-жой коммунал хўжалиги тизимида тутган ўрнини баҳолашдан бошланади.

Ўрганилган таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳрида 2010 йилда 2365 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 4522 тага етган. Тошкент шаҳрида шунингдек, 187 та хусусий уй-жой компаниялари ҳам фаолият юритмоқда. Ширкатларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи 1 та шаҳар ва 11 та туман уюшмалари мавжуд. Бозор муносабатларини жорий этилишини жадаллаштириш мақсадида 195 та бошқарув ва 52 та хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ташкил этилган. Ҳозирги кунда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан ҳар бирининг бошқарувида ўртача 4 та кўп қаватли уй ёки 197 хонадон мавжуд [7].

Тадқиқот ишида Тошкент шаҳридаги уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг фаолияти

иктисодий-статистик таҳлил этилган. Таҳлил натижалари кўрсатишича, 2019 йилда Тошкент шаҳрида уй-жойларнинг умумий майдони 56,7 млн.м<sup>2</sup>ни, доимий аҳоли сони 2542,6 минг кишини ташкил этган[7]. Бир кишига ўртача 22,3 м<sup>2</sup> уй-жой майдони тўғри келган. Шаҳарда аҳоли эҳтиёжлари ва коммунал-маиший мақсадлардаги йиллик сув таъминоти 650,5 млн куб.м., жорий йилда киши бошига ҳисобланган ўртача кунлик сув таъминоти 700,9 литрни ташкил этди.

Тошкент шаҳрининг уй-жой фондида кўп қаватли турар жой бинолари сони 2015 йилда 9535 тани ташкил бўлса, 2019 йилда 10394 тага етган ёки 859 тага (9,0 фоизга) ошган [9] (1-жадвал).

Ушбу ўзгаришлардан кўришиб турибдики, шаҳарда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Тошкент шаҳрида 2015 йилда жами қурилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 1807 та, ўртача кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 38,4 та бўлган.

**1-жадвал**

**Тошкент шаҳрининг кўп квартиралли уй-жой фонди динамикаси[9]**

Йиллар	Кўп қаватли уйлар сони	Қурилган кўп қаватли уй-жойлар, жумладан			
		янги қурилган уйлар сони	хонадонлар сони	умумий фойдаланиладиган майдони, м <sup>2</sup>	яшаш майдони, м <sup>2</sup>
2015	9535	47	1807	179683	67473
2016	9637	102	3652	328190	153112
2017	9747	111	6116	426137	248131
2018	9980	226	11617	856183	499920
2019	10394	442	20511	1477653	791177
R* <sup>18</sup>	859	395	18704	1297970	723704
X** <sup>19</sup>	9858,6	185,6	8740,6	653569,2	351950,6

Ушбу хонадонларда умумий фойдаланиш майдони 179683 м<sup>2</sup> ни, ўртача бир хонадон бўйича 99,4 м<sup>2</sup> ни, умумий яшаш майдони 67473 м<sup>2</sup> ни, бир хонадон бўйича эса ўртача 37,3 м<sup>2</sup> ни ташкил этган. 2019 йилда жами қурилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 20511 та бўлган, ўртача кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 46,4 тани ташкил этган. Ушбу хонадонларнинг умумий фойдаланиш майдони 1477653 м<sup>2</sup> ни, ўртача бир хонадон эса 72 м<sup>2</sup> ни ташкил этган. Умумий яшаш майдони 791177 м<sup>2</sup> бўлиб, бир хонадон ҳисобига ўртача 38,5 м<sup>2</sup> га тўғри келган.

Кўп квартиралли уй-жой фонди аҳолига уй-жой хизматлари кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари фаолиятининг предмети ҳисобланади. Хусусий секторда уй эгаси ўз уйини сақлаб туриш ва таъмирлаш масалаларини мустақил равишда, ўз маблағлари ҳисобидан ҳал қилади. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиё-

жи доимий ошиб боришини инobatга олган ҳолда Тошкент шаҳрида янги кўп қаватли уйларни қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳрида уй-жой фонди 2016 йилда 49,2 млн.м<sup>2</sup> бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, эса 56,7 млн.м<sup>2</sup> га (115,2 %) етган. Келгусида шаҳар ҳудудини кенгайтириш (Зангиота, Қибрай туманлари ҳисобига) бош режаси мавжуд.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши бўйича Тошкент шаҳри республикамизда юқори ўринларда туради. Чунончи 2019 йилда республикада ҳар бир кишига ўртача 16,0 м<sup>2</sup> уй-жой майдони тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич эса Тошкент шаҳрида ўртача 22,3 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий таклифлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

1. Уй-жойларни қуриш бўйича намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини жадаллаштириш ва юқори даражада сифатни таъминлаш;  
2. Канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;

3. Аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида тоза ичимлик суви таъминоти тизими такомиллаштириш;  
4. Шаҳар ва унинг туманларида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;  
5. Шаҳар марказида ва туманларда арзон ва кўп қаватли турар жойлар қурилишини таъминлаш ва ҳақозолар.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сонли «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сонли қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохатлар йўлини қатъий давом эттирамиз”, янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 7 ноябр
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz>
7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳисобот маълумотлари. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотлари. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. “Тошкент шаҳар Ер тузиши ва қўчмас мулк кадастр хизмати” давлат корхонаси маълумотлари. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. Эрназаров Г.Б. ва бошқалар. Миллий иқтисодийётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. – Т.:ДСҚ босмахонаси, 2018.–111-128 б.
11. [www.gorogl.gomel.by](http://www.gorogl.gomel.by) – Уй-жой коммунал хўжалиги расмий сайти .
12. ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)). – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
13. Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе. – М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.
14. Алексеев, Ю.П. Социальная политика: учебник / Алексеев, Ю.П., Берестова, А.И., Бобков, В.Н. и др.; – 2-е изд. – М., Экзамен, 2014. – 416 с.
15. Социальная инфраструктура: вопросы теории и практики (Под ред. А.И. Кочерги. – Киев: Наукова думка, 2010. – 468 с.
16. Павел Красилников, Мариа Конюшкова, Ronald Vargas лар муаллифлигида “Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги” Euroasian Center for Food Security, 2016 йил 302 б.
17. М.У. Мирзаев, Д.А. Абдуғаниеваларнинг “Сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг самарадорлиги” –Т.: 2021 йил 18 май. 248 б.
18. Т.Х. Фарманов, Ф.М. Юсуповаларнинг “Сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарилишини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш” Т.: 2021 йил 18 май. 519 б.
19. Ш. Юлдошева. “Инновацион иқтисодийёт шароитида Ўзбекистонда уй-жой сифатининг аҳамияти” 2021 йил 21 май
20. Ш.Туробов, Р.Рашидов. “Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари”. –Т.: 2015 й.



**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ШАРОИТИДА  
РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Зияева Мухтасар Мансурджановна**  
Тошкент давлат иқтисодийёт университети  
“Маркетинг” кафедраси доценти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a41](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a41)

**Аннотация.** Мақолада жаҳон иқтисодийётига интеграциялашув шароитида республика иқтисодийётининг тўқимачилик саноати ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитлар таҳлили, шунингдек, самарали бошқарув билан биргаликда янги инвестицияларни жалб қилиш, яъни инновацион бозорга кириб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, инновацион маркетингда инновацион салоҳият даражалари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** инновацион маркетинг, истеъмолчи эҳтиёжлари, маркетинг стратегияси, бозор сегментацияси, ички ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, интеграция.